

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 371.3:8

РАЖАБОВА Инобат Равшановна

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

13.00.05 – Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (ўзбек
адабиёти)

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун ёзилган диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2011

Тадқиқот Қарши давлат университетида бажарилган

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор
НИЁЗМЕТОВА Роза Ҳасановна.

педагогика фанлари номзоди
ЭГАМБЕРДИЕВА Фарида Октамовна

Етакчи ташкилот: Гулистон давлат университети

Ҳимоя 2011 йил, «___» _____да соат ____⁰⁰да Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги К.067.44.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а квартали 21а-уй. Тел.: 2757795, E-mail:usuw-info@edu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кутубхонасида (100138, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а квартали 21а-уй) танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил «___» _____да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
педагогика фанлари
номзоди, доцент:

К. НАБИЕВА

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг алоҳида бир босқичига айланган касб-хунар коллежлари ўз хусусиятларига кўра ўрта мактаблардан ҳам, академик лицейлардан ҳам, олий ўқув юртларидан ҳам жиддий фарқ қилади. Таъкидлаш керакки, миллат ёшларининг жуда катта қисми мунтазам равишда кенгайиб бораётган касб-хунар коллежларида таълим олади. Шу сабабли ҳам коллежлардаги адабиёт машғулоти самарадорлигини ошириш ёшларнинг маънавий-интеллектуал етуқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Интерфаол усуллар ўқувчини ўқув-тарбия жараёнининг чинакам субъектига айлантириб, уни мустақил фикрлашга ўргатади. Бу усуллар ўқувчиларнинг фикрини уйғотади, улар таълим кечимининг объекти сифатида ўзлари ўқибгина қолмай, бу жараённинг ижрочилари сифатида бир-бирларини ўқитиш ва тарбиялаш билан ҳам шуғулланишади. Айтилганлардан кўринадики, бўлажак кичик мутахассисларнинг маънавияти қандай бўлиши коллежларда адабиётнинг қандай ўқитилишига, адабиёт дарсларининг қандай ўқитилиши эса, бу соҳада интерфаол усуллардан қанчалик маҳорат билан ўринли фойдаланишга боғлиқ.

Республикамиз Президенти бежизга: “...*адабиёт масаласи бу маънавият масаласидир*”¹, – деган фикрни айтмаган. Демак, касб-хунар коллежлари адабий таълими самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланиш йўллари тадқиқ этиш ўта долзарб илмий-педагогик муаммодир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий таълим тизимида касб-хунар коллежларининг алоҳида бир ўқув муассаси сифатида пайдо бўлганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Шунингдек, ўзбек педагогика илми ва амалиётига интерфаол усул тушунчасининг кириб келиши ҳам жуда узоқ тарихга эга эмас. Бинобарин, ҳозирча бу борадаги илмий ишларнинг саноғи унчалик кўп бўлмаслиги табиий. Лекин дунё педагогикасида XX аср бошларида пайдо бўлиб, ўша асрнинг олмишинчи йилларида шаклланган ва аср охирларида бизга кириб кела бошлаган интерфаол усуллардан фойдаланишнинг у ёки бу жиҳатлари борасида бир қатор тадқиқот ишлари қилинган. Д.Дьюи², Э.Берн³, С.Занько⁴, В.В.Петрусинский⁵, А.Казаков, А.Якушев⁶, М.Кларин⁷, В.Гузеев⁸, Г.Селевко⁹, А.Гин¹ ва бошқа чет эллик олимлар ўз тадқиқотларида турли

¹ Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. -23 б.

² Дьюи Д. Образование и демократия. -Москва: 2000.

³ Берн Э. Игры, в которые играют люди. Психология человеческих взаимоотношений. Люди, которые играют в игры. Психология человеческой судьбы. -Москва: 1988.

⁴ Занько С. Ф. и др. Игра и ученье. -Москва: 1992.

⁵ Игры для интенсивного обучения / Под ред. В. В. Петрусинского. -Москва: «Прометей», 1991; Игры – обучение, тренинг, досуг... / Под ред. В. В. Петрусинского. -Москва: «Прометей», 1994.

⁶ Казаков А. Н., Якушев А. О. Логика-1 Парадоксология. Пособие для учащихся ст. классов лицеев, колледжей и гимназий. -Москва: АО «Аспект Пресс», 1994. -256 с.

⁷ Кларин М. В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках. -Москва: «Арена», 1994.

⁸ Гузеев В. В. Методы и организационные формы обучения. -Москва: «Народное образование», 2001.

⁹ Селевко Г. К. Энциклопедия образовательных технологий. В 2 т. Т. 1 -Москва: НИИ школьных технологий, 2006.

даврларда турли таълим муассасаларида интерфаол усулларни қўллаш йўллари тўғрисида ўз қарашларини билдирганлар.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам ўқитиш жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш йўллари тўғрисида бир қатор изланишларни амалга оширишган. Айникса, Б.Фарберман, Д.Сафин, Р.Мусина, Қ.Хусанбоева, Ш.Юсупова, С.Одилова, Ф.Эгамбердиева, Қ.Қиясова, М.Жуманиёзова, А.Хайитов, Н.Боймуродов² каби тадқиқотчилар ўз илмий ишларида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг таълим жараёнида интерфаол усулларни қўллаш муаммосининг турли жиҳатларига тўхталишган. Аммо юқорида тилга олинган илмий тадқиқотларнинг биронтасида ҳам касб-хунар коллежлари адабиёт дарслари самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланиш алоҳида илмий текшириш объекти бўлмаган.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида касб-хунар коллежлари ўқувчилари маънавиятини шакллантиришнинг самарали йўллари топишга қаратилган. Маълумки, мамлакатимиздаги ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида шу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш режалаштирилган. Мазкур диссертация иши шу борада амалга оширилиши кўзда тутилган илмий изланишлардан биридир. У Қарши давлат университетида педагогика соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар режасининг узвий бир қисмидир.

Тадқиқотнинг мақсади касб-хунар коллежлари адабий таълими самарадорлигини оширишда интерфаол методлардан фойдаланиш йўллари хусусида назарий хулоса ва амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари сирасига қуйидагилар киради:

■ интерфаол усулларнинг моҳияти, педагогик зарурияти ва уларнинг таълим самарадорлигини оширишда тутган ўрнини асослаш;

¹ Гин А. А. Приемы педагогической техники: Свобода выбора. Открытость. Деятельность. Обратная связь. Идеальность. Пособие для учителя. -Москва: «Вита-пресс», 2000.

² Фарберман Б. Л., Мусина Р. Г. Интерактивные методы обучения разработанные в Узбекистане. –Т.: 2003; Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Учебно-методическое пособие. – Душанбе: 2006; Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Теоретические основы интерактивного обучения. Учебное пособие. –Т.: 2007; Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Развитие системного мышления и навыков исследовательской деятельности. Учебное пособие. –Т.: 2007; Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Технология проблемного обучения. Учебное пособие. –Т.: 2007; Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Обучения сообща. Учебное пособие. –Т.: 2007; Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Оценивание знаний учащихся в интерактивной среде. Учебное пособие. –Т.: 2007; Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Технология планирования интерактивных уроков. Учебное пособие. –Т.: 2007; Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Основы нейропедагогики. Учебное пособие. –Т.: 2007; Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фанл. докт. дисс. –Т.: 2007; Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари. Пед. фанл. докт. дисс. –Т.: 2005; Адилова С. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш. Пед. фанл. ном. дисс. автореферати. -Т.: 2004; Эгамбердиева Ф. Адабий таълимга илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш методикаси. Пед. фанл. ном. дисс. автореферати. -Т.: 2005. Жуманиёзова М. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари. Пед. фанл. ном. дисс. автореферати. -Т.: 2007; Хайитов А., Боймуродов Н. Таълимда ноанъанавий дарслар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.

- интерфаол усуллар таянган фалсафий-педагогик асосларни кўрсатиш;
- биргаликдаги таълим, унинг ўқувчилар ташаббускорлигини ўстиришдаги ўрни, ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш йўсинлари, касб-хунар коллежлари адабий таълимида буни уюштиришнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш;
- касб-хунар коллежларида интерфаол усуллар ёрдамида адабиёт машғулотларини ташкил этиш йўллари назарий асослаш ва амалий жиҳатдан кўрсатиб бериш;
- интерфаол методлар асосида таълим олаётган ўқувчини янгича усулда баҳолаш, унинг афзалликларини илмий жиҳатдан асослаш ҳамда амалий томондан қўллашга доир тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Касб-хунар коллежларида адабиёт предметини ўқитиш жараёнида интерфаол усулларни қўллаш кечими ушбу диссертация ишининг объекти қилиб белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети. Касб-хунар коллежлари адабиёт дарсларида интерфаол методлардан фойдаланишнинг назарий асосларини белгилаш ҳамда амалий методикасини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш юзасидан тавсиялар тизимини яратиш диссертациянинг предметини ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда назарий адабиётларни ўрганиш, тушунчаларга таъриф бериш, кузатиш, чоғиштириш, анкета, сўров, педагогик тажриба, таҳлил, синов натижаларини умумлаштириш ва қиёсий ўрганиш, математик-статистика каби тадқиқот методлари тизимидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Касб-хунар коллежларидаги адабиёт предметининг ўзига хослиги, унинг тизимли курс сифатида ўқитилиши мақсадга мувофиқлиги ва бунинг сабаблари.
- Интерфаол усулларнинг касб-хунар коллежларида адабиёт ўқитишдаги ўрни, таълимнинг бу босқичида интерактив методлардан фойдаланишнинг ташкилий, интеллектуал, руҳий ва педагогик ўзига хослиги.
- Коллеж адабий таълимида интерфаол усуллардан фойдаланишда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўрни ҳамда ҳамкорлиги.
- Интерфаол усуллар таянадиган фалсафий-педагогик асослар, конструктив педагогикага хос хусусиятлар, интерфаол таълим учун ўқув ҳақиқатидан кўра унга келиш йўлидаги уринишлар муҳимроқ эканлиги.
- Интерактив методлар ўқувчиларни жамоада ишлашга ўргатиш омили экани.
- Кичик гуруҳлар ва уларни ташкил этиш босқичлари, интерфаол усулда таълим олган ўқувчилар фаолиятини баҳолашда Блум таксономиясини қўллаш зарурлиги.
- Касб-хунар коллежлари адабиёт машғулотларида интерфаол усулларни қўллашнинг амалий жиҳатларини кўрсатиш, ўқувчиларни янги материалларни ўзлаштиришга интиладиган қилишда карточкалар, картотека ва каталоглардан фойдаланишга ўргатишнинг ўрни катталиги.

- Коллеж ўқувчилари билимини портфолиолар асосида баҳолаш кераклиги. Ўқувчиларнинг ўз-ўзи ва бир-бирини баҳолаши улар шахсиятида эзгу сифатларни шакллантириш омили экани.

- Интерфаол методларни қўллаш коллежларда адабиёт ўқитиш самарадорлигини сезиларли оширишга олиб келиши.

Ишнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

- миллий педагогика илмида илк марта касб-хунар коллежлари адабий таълимида интерфаол усуллардан фойдаланишнинг илмий-педагогик асослари ишлаб чиқилди ва ўқитиш амалиётига татбиқ этиш йўллари кўрсатилди;

- интерфаол методлар борасида ўзбек ва чет эллик олимларнинг қарашлари ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди, тизимга солинди, солиштириб чиқилди ҳамда интерфаол усулларнинг асосий белгилари кўрсатиб берилди;

- диссертацияда интерфаол усуллардан фойдаланиш коллежларда адабиёт а) умумтаълим фани сифатида ўқитилганда бошқача; б) мутахассислик фани тарзида ўтилганда ўзгача йўсинда амалга оширилиши кўрсатиб берилди;

- ишда интерактив методлар таянадиган фалсафий-педагогик асос конструктив педагогика назарияси экани исботланди;

- интерфаол усулларнинг моҳияти ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлашида намоён бўлиши асосланди;

- адабий таълим учун ўқув муаммосининг тўғри ечимидан кўра, ўқувчиларнинг шу йўлдаги изланишлари муҳимроқ экани асослаб берилди;

- ўқувчиларнинг бир-бирини ўқитишига асосланган биргаликдаги таълим учун фикрнинг сифатидан кўра миқдори муҳимроқ экани кўрсатилди;

- нтерфаол усуллар қўлланганда, ўқувчиларнинг таълимий фаолиятини янгича баҳолаш кераклиги ва бунинг йўллари ишлаб чиқилди;

- интерактив методлар коллеж ўқувчиларини ҳам ўз-ўзини, ҳам бир-бирини баҳолашга ўргатиши, бунда ўқув портфолиоларини қўллаш самарали экани кўрсатиб берилди;

- интерфаол усулларни бевосита коллеж адабиёт машғулотларида қўллаш юзасидан оригинал методик ишланмалар берилди ва уларнинг самарадорлиги ўтказилган тажриба-синов ишлари орқали асосланди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда интерфаол усул тушунчасига илмий таъриф берилиши, унинг илмий-назарий асослари кўрсатилиши, таркибий қисмлари тайин этилиши ва бу методларнинг юзага келишида конструктив педагогиканинг ўрни белгиланиши ишнинг назарий қимматини оширади. Ушбу диссертация интерфаол усулларни қўллаш бўйича амалга ошириладиган кейинги илмий изланишларга назарий асос бўлиши мумкин. Ишнинг етакчи ғоялари махсус курс сифатида университетларда ўтилиши мумкин.

Шунингдек, диссертацияда интерфаол методларни қўллаш йўллариининг конкрет дарслар мисолида кўрсатилиши унинг амалий қимматини таъминлайди. Негаки, бу амалий ишланмалар касб-хунар коллежлари адабиёт ўқитувчилари учун ўқитиш фаолиятида қўл келиши ва таълим самарадорлигини сезиларли оширишга хизмат қилиши мумкин бўлади. Ишда

берилган тавсиялар ҳам жиддий амалий аҳамиятга эга бўлиб, касб-хунар коллежларида адабиёт ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертациядаги асосий ғоялар Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги бир қатор касб-хунар коллежларининг таълим амалиётига жорий қилиниб, синаб кўрилган. Касб-хунар коллежлари адабиёт машғулотларида интерфаол методларни қўллаш юзасидан диссертациядаги илмий қарашлар 2003-2010 йиллар давомида Қарши педагогика коллежи, Қарши маданият коллежи, Қарши иқтисодиёт коллежи, Қарши қурилиш коллежи ва Қарши саноат коллежидаги тажриба гуруҳларида синовдан ўтказилган. Олинган натижаларнинг қанчалик самарали экани диссертациянинг тегишли ўринларида аниқ рақамлар асосида кўрсатиб берилган.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертациянинг етакчи ғоя, асосий кўрсаткич ва илмий хулосалари Қарши давлат университети “Ўзбек тили ва адабиёт ўқитиш методикаси”, “Педагогика” ва “Ўзбек адабиёти” кафедралари ҳамда “Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази”нинг 2009 йил 12 октябрдаги қўшма йиғилишида ҳамда ЎзДЖТУ ҳузуридаги К.067.44.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган илмий кенгаш қошидаги илмий семинарда 2011 йилнинг 2 июнида муҳокама қилиниб, маъқулланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг мазмуни муаллиф томонидан республика ва чет элларда эълон қилинган ўн илмий мақола ва битта методик қўлланмада ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, “Умумий хулосалар ва тавсиялар” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан ташқари, 3 боб ва олти фаслни ўз ичига олиб, 163 бетдан иборат.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, ишнинг илмий янгилиги, натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти каби масалалар ёритилган.

Диссертациянинг икки фаслдан иборат биринчи боби “**Касб-хунар коллежларида адабиёт ўқитиш педагогик муаммо сифатида**” деб аталади. Бобнинг “**Касб-хунар коллежларида адабиёт ўқитишнинг ҳозирги аҳволи**” шаклида номланган илк фаслда мамлакат касб-хунар коллежлари (КХК)да адабиёт ўқитишнинг ҳозирги ҳолати батафсил таҳлил қилинган.

Касб-хунар коллежлари ўқув режасига мувофиқ она тили ва адабиётини ўқитишга 120 соат ажратилган бўлиб, унинг 40 соатини она тилига 80 соатини адабиётга сарфлаш режалаштирилган¹. Мамлакатимиздаги таълим рус тилида олиб бориладиган КХКларда 120 соатнинг ҳаммаси адабиёт ўқитишга йўналтирилган². Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган

¹ Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари. –Т.: “Шарқ” НМАК, 2001. 23- бет.

² Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари. –Т.: “Шарқ” НМАК, 2001. 100- бет.

коллежларда “Адабиёт”га ажратилган вақт ўқувчиларга билим бериш, уларда бадиий дид, тафаккур ва маънавий шакллантириш учун етарли эмас.

Бизнингча, КХК учун “Она тили ва адабиёт” дастурини қайта тузиш, рус тилида ўқитиладиган коллежлар дастуридаги каби адабиётнинг 120 соат мобайнида ўқитилишини режалаштириш, 80 соат давомида “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи”, 40 соат мобайнида эса “Янги ўзбек адабиёти тарихи”ни ўқитишни мўлжаллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиёт ўқитиш самарадорлигини таъминлашда ўқув дастури ҳал қилувчи аҳамият касб этади. КХКларнинг амалдаги “Она тили ва адабиёт” ўқув дастурида педагогик ва методик нуқтаи назардан бир қатор диққатга лойиқ жиҳатлар бор. Айни вақтда, дастур коллеж адабий таълими самарадорлигини таъминлайдиган даражада эмаслигини қайд этиш керак. Дастурда коллеж ўқувчиларининг ёш хусусиятлари ҳисобга олинмай, адабий материаллар рукнлар асосида ўрганилиши тавсия қилинган. Маълумки, ўрта мактабда ўқувчилар адабиёт ҳақидаги илм билан эмас, бадиий матнларнинг ўзи билан танишишади. Шу боис бу босқич адабий ўқиш дейилади. Мактабнинг 5-7-синфлари адабиёт дарсларида ўқувчиларда муайян маънавий фазилятлар қарор топдириш устуворлик қилади. Шу боисдан ҳам адабий материаллар рукнлар асосида жойлаштирилади. 8-9-синфларга келиб, мактаб адабиёти ҳам тизимли курсга яқинлаштирилиб, рукнлардан воз кечилади ва асарлар хронологияга мувофиқ ўрганилади. Лекин ўрта мактабда адабиётни фанга айлантириб, тизимли курс сифатида ўрганишнинг имкони йўқ.

Касб-ҳунар коллежлари адабиёт дастурида ҳам, негадир, адабий материаллар мактабнинг 5-7-синфларида бўлганидек, рукнлар асосида жойлаштирилган. Бунинг устига, дастурдаги рукнлар бирор илмий ва маънавий-маърифий қонуниятга асосланмай танланган. Чунончи, дастурдаги **“Халқ оғзаки ижоди — бебаҳо бойлик”**, **“Қадимги адабий ёдгорликлар — маънавий дурдоналари”**, **“Шарқона одоб — инсон зийнати”**, **“Ҳадис илмидан сабоқлар”**, **“Мумтоз адабиёт чашмалари”**, **“Жаҳон адабиёти хазинасидан”**, **“XX аср адабиёти намуналари”**, **“Жаҳон адабиёти дурдоналари”** каби рукнлар коллеж ўқувчиларида бирор ахлоқий сифат ёки интеллектуал хусусиятни шакллантиришни кўзда тутмайди.

КХК адабиёт дастуридаги яна бир камчилик шундаки, унда ўқувчиларни фаоллаштириш, уларнинг интеллектуал имкониятларини ишга солишга эътибор қилинмаган. Адабиёт бўйича ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган назарий маълумотлар мутлақо кўрсатилмаганлиги ҳам дастурнинг нуқсонидир. Энг ёмони, КХК учун тузилган “Она тили ва адабиёт” дастури билан шу номдаги дарслик ўртасида мувофиқлик йўқлигидир.

Таълим ва маданият йўналишидаги КХКда “Болалар адабиёти” мутахассислик фани сифатида ўқитилади. Бу фан бўйича тузилган ўқув дастурида миллий адабиётшунослик ва адабиёт ўқитиш методикасининг бугунги даражаси ҳисобга олинмаган¹. Дастурда болалар адабиётининг катталар адабиётидан фарқи кўрсатилмаган, асарларнинг дастурий талқини

¹ “Bolalar adabiyoti” fanidan 3141601 - “Boshlang’ich ta’lim” mutaxassisligi uchun o’quv dasturi. –T.: O’rta maxsus kasb-hunar ta’limi markazi. 2007.

берилмаган. Болалар адабиёти намуналарини танлашда миқдорни кўпайтириш йўлидан борилиб, ё болалар адабиётига алоқаси бўлмаган, ёхуд бадиияти паст асарлар ўрганишга тавсия этилган. Ҳолбуки, **“...зоят муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши... болаликдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим”**¹. Ушбу дастурда ўқувчилар эгаллашлари керак бўлган билим билан уларда шакллантирилиши лозим бўлган кўникмалар аралаштирилиб юборилган².

Таълимнинг ҳар қандай босқичида дарслик ўқувчилар бевосита ишлайдиган дидактик восита сифатида уларга билим бериш, муайян кўникма ва малакаларни шакллантиришда ҳал қилувчи ўрин тутди. Афсуски, касб-хунар коллежлари учун тайёрланган дарслик ва қўлланмаларнинг савияси замон талабларига мутлақо жавоб беролмайди. Маълумки, дарслик муайян ўқув дастурига қатъий амал қилинган ҳолда яратилиб, қатор дидактик аппаратлар билан таъминланган бўлади. Унинг илмий тадқиқот ёки ўқув қўлланмаларидан асосий фарқи ҳам шунда. Лекин А.Рафиев ва Н.Ғуломовалар томонидан ёзилган “Она тили ва адабиёт” дарслиги³ дастурга мос келмаслиги билан ажралиб туради.

Ушбу дарсликда дастурда кўрсатилган бутун-бутун рукнлардан воз кечиб юборилган. Жумладан, дастурда кўзда тутилган “Шарқона одоб – инсон зийнати”, “Ҳадис илмидан сабоқлар”, “Мумтоз адабиёт чашмалари”, “Жаҳон адабиёти дурдоналари” каби рукнлар “Она тили ва адабиёт” дарслигига мутлақо киритилмагани ҳолда, дастурда бўлмаган “Илдизни англаш ўзликни англашдир” рукни ундан ўрин олган.

Ҳукумат томонидан тасдиқланган ўқув дастурида коллеж ўқувчилари ўқиши кўзда тутилган “Авазхон” достони (3 соат), “Гулдурсун” ва “Қайтар дунё” афсоналари (2 соат), “Ўрта Осиёнинг қомусий олимлари” (1 соат), Югнакийнинг “Ҳибат ул-хақойиқ” асари (1 соат), Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари (2 соат), Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийлари (2 соат), Алишер Навоийнинг ғазал, рубоий, туюқлари ҳамда “Фарҳод ва Ширин” достони (4 соат), Бобур, Машраб, Мунис, Ҳувайдо, Нодира, Алмаий, Муқимий, Саъдий ижоди намуналари (жами - 16 соат), “XX аср бошидаги ўзбек адабиёти” (1 соат), “Маҳмудхўжа Бехбудий” (2 соат), “Абдулла Авлоний” (2 соат), “Абдулла Қодирий” (2 соат), “Ҳамза” (2 соат), “Ҳамид Олимжон” (2 соат), “Пиримқул Қодиров” (2 соат), “Шавкат Раҳмон (2 соат) мавзуларини ўрганишга доир адабий материаллар дарсликка киритилмаган. Шу тариқа, дастурга кўра 80 соат мобайнида ўрганилиши шарт бўлган материалларнинг 49 соатлик қисми дарсликдан жой олмаган. Буларнинг ўрнига дастурда бўлмаган “Рустамхон” эпоси, “Авесто”, “Нажмиддин Кубро”, “Жалолiddин Румий”, Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони, “Муҳаммад Юсуф” каби олти мавзу юзасидан материаллар берилган. Демак,

¹ Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. –40 б.

² “Bolalar adabiyoti” fanidan 3141601 - “Boshlang’ich ta’lim” mutaxassisligi uchun o’quv dasturi. –Т.: O’rta maxsus kasb-hunar ta’limi markazi. 3-бет.

³ Rafiyev A., G’ulomova N. Ona tili va adabiyot (Kasb-hunar kollejlari uchun darslik). –Т.: “Sharq” NMAK, 2006.

дарсликка дастурда кўзда тутилган материалларнинг бор-йўғи 38,8 фоизи киритилиб, қолган 61,2 фоизи қамраб олинмаган.

КХК ўқувчилари учун 2006 йилда Ў.Бобоёров ва Ф.Холсаидовлар томонидан тайёрлаб чоп қилинган “Адабиёт” ўқув қўлланмаси¹ тасдиқланган ўқув дастурига тўла мувофиқ келади. Аммо афсуски, китоб ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талабларнинг бирортасига ҳам жавоб беролмайди. Муаллифлар қўлланмани кераксиз материаллар билан оғирлаштириб, ундан фойдаланишни қийинлаштирганлар. Дастурда “Авазхон” достонини ўтишга 3 соат вақт ажратилган бўлса, қўлланмада достондан олинган 3 бетлик парча берилиб, етти бет давомида ўрта мактабнинг 7-,8-,9-синфларида ўтилган “Равшан”, “Кунтуғмиш”, “Алпомиш” достонларидаги тимсолларнинг рўйхати, “Авазхон” достонини ўргатиш бўйича тезис-режа, достонлар ва достончилик мактаби ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Коллежлардаги 16-17 ёшдаги йигит-қизларнинг 3 соат вақтини 3 бетлик матнни ўрганишга сарфлаш вақтни увол қилиш ва ўқувчиларни адабиётдан бездиришдан бошқа нарса эмас. Дастурда “Гулдурсун” ва “Қайтар дунё” афсоналарини ўрганиш учун 2 соат вақт ажратилган бўлса, қўлланмада бор-йўғи 23 қаторли материал берилган, холос. Матнни берилмагани афсонанинг таҳлили юзасидан учта савол-топшириқ берилган. “Ўрхун-Энасой обидаларининг адабий-баддий қиммати” мавзусини ўрганишга дастурда 2 соат вақт ажратилгани ҳолда, қўлланмада обидалардан бирор сатр ҳам намуна берилмаган. Аммо 16 бандлик тезис-режа тузилади, 11та савол ва топшириқ берилади. Ҳазрат Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асарини ўрганишга 2 соат вақт белгиланган бўлса, қўлланмада бир бетга етар-етмас ҳажмда ҳадис берилган, холос.

Б.Жалилов, В.Қодиров ва М.Тожибоевалар ҳаммуаллифлигида *“академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 2- босқич талабалари учун”* ёзилган “Ўзбек адабиёти”² ўқув қўлланмасида ўзбек адабиёти тарихига тизимли курс сифатида ёндашилган. Аммо ушбу китоб нима учундир 1-босқич ўқувчиларини қўйиб, иккинчи босқичдагиларга бағишланади ва адабиёт тарихининг XV асри иккинчи ярмидан то XX аср бошларигача бўлган даврини ўз ичига олади. Унда халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимиз тарихининг XV асри биринчи ярмигача бўлган даврига тегишли бирор материал берилмаган. Қўлланмани бирваракайига ҳам академлицей, ҳам коллеж ўқувчиларига мўлжаллаш, амалда уларнинг бирортасига ҳам мўлжалламасликдан иборат бўлиб қолган.

Таълим ва маданият йўналишидаги касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фани сифатида ўргатиладиган “Болалар адабиёти” фани юзасидан шу вақтга қадар бирорта ҳам чинакам дарслик яратилмаган. 1995 йилда А.Суюмов ва М.Жумабоевлар томонидан ёзилган “Болалар адабиёти” қўлланмасида³ болалар адабиёти намуналарини танлаш ва талқин этишда эскича ёндашув етакчилик қилади. Унинг на ўқув ва на методик қўлланма

¹ Boboyorov O., Xolsaidov F. Adabiyot (Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma). –T.: “Ilm ziyo”, 2006.

² Jalilov B., Qodirov V., Tojiboyeva M. O'zbek adabiyoti. Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. –T.: 2006.

³ Суюмов А., Жумабоев М. Болалар адабиёти. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995.

эканини билиб бўлади. Касб-хунар коллежлар учун “Болалар адабиёти” бўйича бир неча мажмуалар тайёрланган¹, аммо улар ҳеч қандай дидактик аппарат билан таъминланмаган. Шунингдек, КХК учун тайёрланган дастур, дарслик, қўлланма ва мажмуаларнинг бирортасида ҳам адабиёт ўқитиш самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланишга доир тавсиялар берилмаган.

Биринчи бобнинг **“Интерфаол усулларни коллеж адабий таълимига қўллашнинг назарий асослари”** тарзида номланган 2-фаслида интерактив методларнинг генезиси, келиб чиқишининг илмий, ижтимоий-иқтисодий, педагогик ва интеллектуал асослари назарий жиҳатдан тадқиқ этилди.

Ишда бугуннинг одамга қачондир бирор ўқув юртида эгаллаб олинган билим, кўникма ва малакалар етарли эмаслиги, одам муттасил равишда такомиллашиб, ақлан ва маънан тинимсиз баркамоллашиб, тўхтовсиз пайдо бўладиган муаммоларни енга борсагина рисоладагидай ҳаёт кечира олиши мумкинлиги кўрсатилган. Бунинг учун одам ўз устида ишлайдиган, мустақил ўқиб, изланадиган бўлиши керак. Шу сабабли ҳар бир шахс болалигидан мустақил фикрлайдиган, муаммоларга ечим топадиган қилиб тарбияланиши зарур. Дунё миқёсида ўқитиш жараёнини интерфаол усулларда ташкил этиш эҳтиёжа шундан туғилган.

Ҳар қандай таълимнинг йўналиши ва самарадорлиги у суянадиган фалсафий асосга боғлиқдир. Проф. Қ.Йўлдошев: **“Инсоният тарихи билан тенг бўлган педагогик амалиёт, умумлаштириб олганда, уч фалсафий йўналиш асосида уюштирилиб келинаётир. Бу фалсафий йўналишлар ...трансмиссия, трансформация, трансакция тарзида номланади”**, - деб ёзади². Олимнинг таъкидлашича, таълим трансмиссия фалсафаси асосида ташкил этилганда ўқитувчи ўқитган, ўқувчилар у берган билимларни ўзлаштирганлар. Инсоният эгаллаган билимлар кўпайиб, уларни ёш авлодга шу ҳолича ўргатиш мушкул бўлиб қолгач, таълим жараёни трансформация фалсафасига таяниб ташкил этиладиган бўлди ва энди мактабларда у ёки бу фаннинг асосларини ўргатиш йўлга қўйилди. Бу босқичда ўқитувчи фан билан ўқувчилар ўртасида мувофиқлаштирувчи — трансформатор вазифасини ўтаб, одамлар ҳаёти учун фанларнинг асосларини ёшларга сингдиради. Айтилган ҳар икки педагогик фалсафа ҳам таълим жараёнининг субъекти ўқитувчи, бу кечимдаги асосий кадрят эса эгалланадиган билим деб ҳисоблаган. Эндиликда ҳар қандай кучли хотира ҳам чексиз оламдаги барча қонуниятларни эслаб қололмайди. Бундан ташқари, хотира ёрдамида ўзлаштириладиган билимлар стандарт вазиятлар учунгина яроқли бўлади. Не азобда ўзлаштирилган бу билимлар ностандарт вазиятда мутлақо иш бермай қолади. Ҳаёт эса ҳеч қачон стандартга тушмайди. Шунинг учун ҳам ёш авлодни ўзи мустақил фикрлайдиган, ностандарт вазиятлар, чигал ҳаётий

¹ Ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти (мажмуа). Тузувчи М. Жумабоев. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996. Bolalar adabiyoti (majmua). Tuzuvchi-muallif M. Jumaboyev. –Т.: “O‘qituvchi” NMIU, 2004. Жумабоев М. Ўзбек ва чет эл болалар адабиёти. Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг бошланғич таълим ва тарбиявий ишлар методикаси факултети талабалари учун дарслик сифатида тавсия этган. –Т.: “Ўзбекистон”, 2002.

² Йўлдошев Қ. Глобаллашётган дунё ва ўқитишнинг интерфаол усуллари. // Халқ таълими. 2007. 6-сон.

ҳолатларда энг тўғри ечимни топиш йўлида изланадиган қилиб ўқитиш бугунги таълим тизимидаги энг муҳим масаладир. Шу ҳолат XX асрнинг иккинчи ярмида педагогикани трансакция фалсафаси асосида ташкил этиш заруриятини келтириб чиқарди. Бу фалсафада билим эмас, ўқувчи шахси бош қадрият саналади. Трансакцияга кўра билим берилмайди, балки ўқувчиларнинг хатти-ҳаракат ва интилишлари натижасида уларнинг ўзлари томонидан ўзлаштирилади. Шунингдек, унда ўқувчи ўқитиш жараёнини ўқитувчи билан биргаликда амалга оширадиган субъект саналади. Трансакция бир макон ва замонда яшаб турган ҳар бир одам оламни ўз назари билан кўради, ўзича тушунади, демак, у олам ҳодисаларини ҳам ўзича ўрганиши керак деган конструктив педагогикани юзага келтирди.

Бугунги кунда илму фан имкониятларидан эзгу мақсадлар йўлида фойдаланадиган, олам ҳодисаларини билишга эҳтиёж туядиган ва унинг йўллариини излайдиган шахсларни шакллантириш лозим. Мана шу ҳолат таълим жараёнида интерфаол методларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Интерактив усуллар эркин фикрлайдиган, мустақил изланадиган ўқувчиларни шакллантиришга йўналтирилади. Унда ўқувчилар худди ўқитувчи сингари таълимнинг субъекти, яъни ижрочиси бўлиши, таълим олиш уларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилади. Интерфаол методларнинг асосида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги ишлашигина эмас, балки таълим олаётган ҳар бир ўқувчининг бир-бири билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши туради. “Интерфаол” атамаси лотинча “интер акт” сўз бирикмасидан олинган бўлиб, “**интер**” – ўзаро, биргаликда ва “**акт**” – фаолият маъноларини англатади¹. Интерфаол методлар таълим мазмуни ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг бир-бирлари билан биргаликдаги фаолияти натижасида ўзлаштирилишини кўзда тутди. Бу методлар ўқувчиларнинг фаоллиги, эркин фикрлаши, мустақил изланиши, ўзлаштириладиган маълумотларга ижодий ёндашишига таянади.

Интерфаол методлардан фойдаланиб билим олиш ўқувчи учун қизиқарли фаолиятга айланади. Интерфаол усуллар ўқувчиларни ўқитишга эмас, балки билимларни уларнинг ўзлари томонидан ўзлаштирилишини таъминлашга қаратилади. Бу усулда ўқувчилар материални буюрилганидай эмас, ўзлари хоҳлагандай ўзлаштирадilar. Интерактив методларда ўқувчилар янги билимларни мустақил ўзлаштиришга уринишади ва улар, албатта, кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлайдилар. Топшириқларнинг кичик гуруҳдаги барча ўқувчиларга берилиши уларда жамоа туйғусини шакллантиради.

XX асрнинг иккинчи ярмида юзага келган конструктивизм деб аталмиш педагогик йўналиш бевосита интерфаол усулларнинг юзага келишига илмий-назарий асос бўлди. Конструктивизм кейинги йилларда жаҳон педагогика илмида ҳам назарий қараш, ҳам амалий йўналиш сифатида кенг ёйилди. Унинг номи лотинча “**constructio**” – “қурилма”, “қурилиш” сўзларидан олинган, бунга кўра таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолиятлари натижасида билим конструкция қилинадиган, яъни қурилади.

¹ Словарь иностранных слов. –М.: «Русский язык», 1979. С-23; С-198.

Инсоният пайдо бўлгандан бери давом этиб келаётган педагогик амалиёт биров бировни ўқита олмаслигини кўрсатди. Агар ўқитувчи ўқувчиларни ўқита олганда, у дарс берган гуруҳдаги барча ўқувчилар бир хил ўзлаштирган бўлишарди. Ҳолбуки, таълим тарихида барча ўқувчилари бир хилда ўзлаштирган ўқитувчи бўлган эмас. Таълим жараёнида қатнашаётган ҳар бир ўқувчи ўзича ўқийди ва у эришадиган натижа ҳам унинг ўқиш даражасига мос бўлади. Конструктивистик фалсафа швецариялик машҳур файласуф ва педагог Жан Пиаже, замонавий америка педагогикасининг отаси саналмиш Джон Дьюи, таниқли рус психологи Л.С.Виготский, америкалик психолог Бенжамин Блум каби олимларнинг таълимни ташкил этиш психологияси, педагогикаси ва фалсафасига доир қарашлари асосида юзага келган¹. Ушбу педагогик йўналиш негизида Жан Пиаженинг: **“...бола ўз интеллектининг қурувчисидир”**, - деган фикри ётади. Конструктивизм таълим жараёнида ўқувчига билим эмас, балки билим эгаллаш йўлида мустақил ҳаракат қилиши имконияти берилиши лозим деб ҳисоблайди.

Конструктивизм педагогикаси учун ўқув ҳақиқатига эришиш жараёни ҳақиқатнинг ўзидан кўра аҳамиятлироқ. Шу сабабли интерфаол методларда **“эришилган дидактик натижадан кўра, унга келиш йўли, ўқувчиларнинг бу кечимдаги изланишлари, ташаббус кўрсатишлари муҳим”**² саналади. Интерфаол усул татбиқ этилганда, таълим жараёни ўқитишдан эмас, балки биргаликда ўқишдан иборат бўлади. Шу сабабли ҳам муаллим дарс берувчидан ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этувчи, мувофиқлаштирувчи ва маслаҳатчига айланади. Интерфаол усулда амалга оширилган таълим жараёнида ўқувчи ўқитиш кечимининг ижрочисига айланиб, эришиладиган дидактик натижа учун ўқитувчи билан баравар жавобгар бўлади.

Интерфаол усулларда ўқитувчи коллеж ўқувчиларида билим ҳосил қилишнинг ўзи билан кифояланиб қолмаслиги кераклиги кўзда тутилади. Чунки билим бериш таълим жараёни олдидаги мақсадларнинг энг бирламчиси, холос. Б.Блумнинг “ўқув мақсадларининг асосий тушунчалари таксономияси” (ЎМАТТ)да белгиланган иерархияга кўра ўқувчининг оламни ўрганиши олти босқичдан иборат бўлиб, билим энг куйида туради:

баҳолаш

умумлаштириш (синтез)

таҳлиллаш

қўллаш

тушуниш

билим

Бу таснифда билимга турли далил, қоида, таъриф каби ахборотларни эслаб қолиб, қайта айтиб бера олиш деб қаралади. Анъанавий педагогика эса билимни ҳар қандай таълимдан кутиладиган энг сўнгги натижа санайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қасб-хунар коллежлари адабиёт дарслари самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг илмий муаммолари”** тарзида номланади. Бобнинг

¹ Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Учебное пособие. Модул 1. –Т.: 2007.

² Йўлдошев Қ. Глобаллашадиган дунё ва ўқитишнинг интерфаол усуллари. // Халқ таълими. 2007. 6-сон.

“Таълимни интерфаол усулда ташкил этишда таяниладиган етакчи илмий-педагогик тамойиллар” фаслида интерфаол усуллар фалсафа, педагогика, психология каби илмлар тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, ўқувчи билиш фаолиятини йўлга қўйишнинг юқори босқичи эканига тўхталинган. Интерактив усулларни қўллашда а) ўқувчиларда тизимли тафаккур ва илмий тадқиқотчилик фаолиятини шакллантириш; б) қизиқарли ўқув муаммосини қўя билиш; в) биргалик (ҳамкорлик)даги таълимни ташкил этиш каби илмий тамойилларга таянилади.

Объектив олам яхлит бир тизим бўлгани учун одам уни қисмларга бўлиб эмас, бутунича идрок этади ва ўрганади. Оламдаги ҳар бир нарса-ҳодиса бошқаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бирисиз иккинчисини тушуниш мумкин эмас. Бу боғлиқлик чексиз давом этади, шу сабабли ҳам инсоннинг дунёни билиш жараёни ҳеч қачон тўхтамайди. Шу боис интерфаол усуллар **ўқувчиларда тизимли тафаккур ва илмий тадқиқотчилик кўникмаларни шакллантириш** тамойилига таянади. Таълим жараёнида ечилиши керак бўлган барча муаммолар муайян система эканини англаш ўқувчиларда тизимли тафаккур шакллантиради. Шунда ўқувчи чексиз-чегарасиз оламдаги ҳар бир нарса-ҳодисага ўзаро боғлиқ катта-кичик тизимлардан ташкил топган улкан бир тизим деб қарайди. **Тизим муайян қисмлардан ташкил топган, муайян белгиларга эга бўлган ва маълум вазифаларни бажарадиган бутунликдир.** Ҳар қандай тизим ўзидан каттароқ усттизимнинг қисми ва ўзидан кичикроқ осттизимлар учун усттизим ҳисобланади. Ўзидан катта бутунликнинг қисми бўлган тизим, ўзидан кичик қисм учун бутунлик саналади.

КХК ўқувчилари тизимлар ўртасидаги саноксиз алоқаларнинг муҳимини номуҳимидан ажрата билиши керак. Бунинг учун ўқувчилар ҳар қандай тизимнинг жуда ҳам сертармоқ эканини, исталган бир тизим саноксиз кичик тизимларга бўлиниши ёхуд туганмас катта тизимларнинг қисми бўлиб келиши мумкинлигига билиб олишлари лозим. Буни қуйидаги жадвал орқали визуал ифодалаш мумкин:

ТИЗИМ	ОСТТИЗИМ	ОСТОСТТИЗИМ	ОСТОСТОСТТИЗИМ
Адабиёт	Мумтоз адабиёт	Мумтоз лирика	Ғазал
ТИЗИМ	УСТТИЗИМ	УСТУСТТИЗИМ	УСТУСТУСТТИЗИМ
Ғазал	Мумтоз лирика	Мумтоз адабиёт	Адабиёт

Ўқувчилар ўрганилаётган ҳар бир адабий ҳодисанинг кўплаб уст ва ост тизимлардан иборат яхлит ҳодиса эканини англаб, қўйилган муаммоларни ана шу тизимга доир умумий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиши керак бўлади. Бунда ўқувчиларни карточка, картотека ва каталоглардан фойдаланишга ўргатиш катта ўрин тутади.

Таълим жараёнида ўқув муаммосини қўя билиш интерфаол усулларни қўллашда таяниладиган иккинчи тамойилдир. Инсониятнинг фикри тараққиётини узлуксиз равишда вужудга келиб турадиган муаммоларни ҳал этишдан иборат дейиш мумкин. Аслида таълим ҳам ана шундай йўсинда ташкил этилса, самарали бўлади. Коллеж ўқувчиларининг ўз олдиларига қўйилган таълимий муаммони ечишларига эришиш учун муаммоларни уларнинг тажриба ва қизиқишларга мувофиқлаштириш лозим.

Таълим жараёнида “муаммо” ва “муаммоли вазият” атамалари кўп ишлатилади. “Муаммо” умумийликни, “муаммоли вазият” эса хусусийликни ифода этади. “Муаммо” ечилиши учун “муаммоли вазият” юзага келтирилиши керак. Муаммоли вазият яратилмаса, ўқувчида мустақил фикрлашга эҳтиёж бўлмайди. Муаммоли вазият фақат таълимий муаммони ечишга кўл келибгина қолмай, ўқувчиларда маънавий сифатлар шаклланишига ҳам хизмат қилади. Чунки маълум психик ва интеллектуал мураккабликни енгиб, муаммоли вазиятдан чиқиш ўқувчиларнинг маънавий қиёфаси шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. “Ҳиссий интеллект”и ишга тушган ўқувчиларда шахсга хос эзгу фазилатлар тезроқ юзага келади.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш учун ўқитиш жараёнида ёпик топшириқларни камайтириб, очик топшириқларни кўпроқ қўллаш лозим. Ёпик топшириқ битта тўғри жавобни топишни талаб қилгани учун ўқувчи ижодий тафаккур қилишга эҳтиёж сезмай, муаммони ечишга эмас, тўғри жавоб топишга кўпроқ аҳамият қаратади. Ечими кўп очик топшириқлар ўқувчиларни ижодий фикрлашга, йўл излаш ва топишга ундайди. Очик топшириқлар бериш ўқувчиларни керакли материаллар билан танишибгина қолмай, танишганлари юзасидан хулоса чиқаришга ҳам ундайди.

Интерфаол усуллар таянадиган яна бир муҳим илмий тамойил **биргалик (ҳамкорлик)даги таълимни йўлга қўйиш**дан иборатдир. КЎҚда таълимидаги ҳамкорлик ўқувчилар билан ўқитувчи орасидагина эмас, балки ўқувчилар билан ўқувчилар ўртасида ҳам бўлиши керак. Биргаликдаги таълимда кичик гуруҳларга бўлинган ўқувчилар ўз гуруҳлари олдига қўйилган ўқув муаммосини ҳамкорликда ҳал этади. Бунда ё гуруҳдаги барча ўқувчилар муаммони ечишга эришади, ёхуд уларнинг ҳаммаси ёмон баҳо олади. Анъанавий таълимда ҳар бир ўқувчи фақат ўзини билиб, бошқалар билан иши бўлмаса, биргаликдаги таълимда ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириши нафақат унинг ўзи, балки гуруҳ аъзоларининг ҳаммаси учун ҳам аҳамиятга эга бўлади.

Педагог ва психологларнинг илмий тадқиқотлари ва биз томонимиздан олиб борилган синов ишлари 4-6 ўқувчидан ташкил топган кичик гуруҳлар фаолияти кўпроқ самара келтиришини кўрсатмоқда¹. Кичик гуруҳлар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси, жинси, коммуникабеллиги каби омиллар асосида ташкил этилиб, таркиби камида ярим ўқув йили давомида ўзгармаслиги маъқул. Интеллектуал имконияти бир хил ёки бир-бирига яқин ўқувчилар барча кичик гуруҳлар таркибига бирдай киритилиши керак. Шунда гуруҳдаги ўқувчилар орасида ишчанлик муносабати, масъулият ҳисси қарор топади. Камида ярим йил муддатга тузилган гуруҳлар **доимий кичик гуруҳлар**, бундан камроқ вақтга ташкил этилган тузилмалар **ўткинчи кичик гуруҳлар**дир. Ҳар қандай кичик гуруҳ (КГ)нинг самарали ишлаши гуруҳ аъзоларининг ўзаро тил топишишлари ва ўз вазифаларини моҳирона бажаришларига боғлиқ. Бунинг учун гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ҳар сафар ўзига муносиб иш билан таъминланган бўлиши лозим. Гуруҳ аъзолари бажарадиган вазифаларнинг доимий алмашилиб туриши КГда тўла тенгликка

¹ Российская педагогическая энциклопедия. –Москва: 2003. С. 342.

асосланган соғлом муҳитни юзага келтириб, ҳеч бир ўқувчи ўзини бошқалардан ортиқ ҳам, кам ҳам сезмайдиган бўлади.

2-бобнинг **“Интерфаол усулларда уюштирилган адабиёт машғулотларида ўқувчиларни баҳолаш”** номли 2-фаслида интерфаол адабий таълимда баҳолаш муаммоси тадқиқ этилган. Ўқувчилар кўнглини яралаш хусусиятига эгалик анъанавий баҳолашнинг асосий камчилигидир. Нафақат “ёмон” баҳо олган, балки ўзи кутганидай юқори баҳо ололмаган ўқувчининг ҳам кўнгли яраланади. Баҳо шунчаки қўйиладиган қийматсиз рақам эмас, балки ўқувчининг ўзига ишончини уйғотадиган ёки йўқотадиган, янги ютуқларга ундайдиган ёхуд ўқишдан совутадиган, тенгдошлари олдида обрўсини кўтарадиган ёинки уни ерга урадиган ва шу боис ўқувчи шахсининг бутунлиги ёхуд синиқлигига сабаб бўладиган дидактик омилдир.

Беш балли баҳо тизимида ўқувчи ўқитувчи қаршисида ёлғиз ва ҳимоясиз қолади. Ўқувчининг ўқишга сарфлаган меҳнати, уринишлари эмас, балки эришган натижаси баҳоланади. Бунинг устига, билимни аниқ баҳолаб бўлмайди. Ўқитувчи кўп ҳолатларда субъектив йўл тутишга, ўзи истамаган ва билмаган ҳолда ўқувчи руҳини жароҳатлаб қўйишга маҳкум. Чунки билимни аниқ ўлчашнинг иложсизлиги туфайли ўқувчи ҳамиша бировга нисбатан баҳоланади. Қўйилган баҳоларнинг тасодифийлиги ҳам бу усулнинг нуқсонидир. Бир ўқувчининг битта жавобини турли ўқитувчи турлича баҳолаши мумкин. Ўқувчининг камчилигини кўрсатишга қаратилгани ҳам бу хил баҳолашнинг камчилигидир. Охириги натижага қўйилгани учун баҳо хатони тузатишга эмас, балки уни таъкидлашга хизмат қилади. Анъанавий баҳо яроқсиз ишни яхшиламайди, балки унинг яроқсизлигини қайд этади.

Интерфаол усуллар билим, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг шу вақтга қадар кўрилмаган турларини татбиқ этишни тақозо қилади. Шулардан бири ўқув портфолиоси деб аталади¹. Интерфаол таълимни баҳолашда портфолио ўқувчининг имкониятларини кўрсатадиган барча ишлар тўпламини билдиради. Одатдаги баҳолашда диққат бирор мавзу бўйича ўқувчи билмайдиган жиҳатлар текширилса, портфолиога шу мавзу юзасидан ўқувчи билиб олган ва қилган ишлар аниқланади. Портфолиога баҳонинг нечалиги билан қандайлиги, яъни миқдори билан сифати уйғунлашади. Анъанавий баҳолашда ўқитувчининг баҳо қўйиши муҳим саналса, портфолиога ўқувчининг ўз-ўзини баҳолашига устуворлик берилади.

Ўқув портфолиоси бир неча турда бўлиб, бир тури **“ютуқлар портфолиоси”** деб юритилади. Бундай портфолио “ҳужжатлар”, “ишлар”, “тақризлар” каби бўлимлардан иборат бўлади. “Хужжатлар” бўлимида ўқувчининг таълим жараёнида эришган ютуқлари акс этган ёрлиқ, диплом, сертификат ва гувоҳнома каби ҳужжатлар бўлади. “Ишлар” бўлиmidан ўқувчининг таълим жараёнидаги ижодкорлик ҳамда тадқиқотчилик

¹ Сафин Д., Мусина Р. Оценивание знаний учащихся в интерактивной среде. –Т.: 2007. Модуль 5. С. 37., Харченко А. Оценка результатов учебной деятельности – <http://charko.narod.ru/tekst/an5/4.html>, Чошанов М. Процесс непрерывного конструирования и реорганизации. http://testolog.narod.ru/Other_13.html, Школьникова В. Психологические аспекты оценочной деятельности учителя - [http://www.gmeit.murmansk.ru/text/information science/workshop/seminars/marks/psychologist.htm](http://www.gmeit.murmansk.ru/text/information%20science/workshop/seminars/marks/psychologist.htm)

фаолиятини кўрсатадиган ишлар жой олади. Эришилган ютуқларнинг сифат жиҳати акс этган ушбу бўлимда ўқувчининг ўқув ва ижодий фаоллиги динамикаси, қизиқиш доираси кўринади. “Такризлар” бўлиmidан ўқувчининг ота-онаси, ўқитувчилар, ўртоқлари, коллеж маъмурияти томонидан берилган тавсифнома, хат, такриз ва тилхатлар жой олиб, улар ўспириннинг фаолиятига муносабатларни намоён қилади. Шунингдек, бу бўлимда ўқувчининг ўз фаолияти ҳақидаги ёзма таҳлили ҳам бўлади. Портфолио ўқувчи ўз-ўзига баҳо беришни қанчалик эгаллаганини билдиради.

Интерактив методдаги таълимни баҳолашда ўқувчининг шахс сифатидаги ўсиш динамикасини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган **рефлексив** (ўз-ўзини баҳолаш) портфолио ҳам қўлланилади. Бу портфолиога ўқувчининг иншолари, эсселари, такризлари, мақолалари, у ишлаган расмлар, ўз-ўзини кузатиш варақлари, кундаликлари жамланади.

“**Илмий портфолио**” деб аталадиган портфолио муайян бир ўқув муаммосини ҳал этиш жараёни ва эришилган натижани акс эттиради. Портфолионинг бу тури ўқувчининг таҳлил қилиш – умумлаштириш – баҳолаш борасидаги фаолиятини акс эттиради. Унда бирор мавзу бўйича ўрганиладиган адабиётлар рўйхати, тадқиқот режаси, муаммони ечишга доир таклифлар, далиллар, рақамлар, кўчирмалар, ҳикматли сўзлар, шеърлардан сатрлар, муаммонинг бошқа мавзулар билан алоқалари, тадқиқот натижалари юзасидан хулосалар, унда фойдаланилган илмий методлар акс этади.

Дастурдаги бирор умумлаштирувчи мавзунинг ўзлаштирилиш даражасини аниқлашда “**мавзувий портфолио**” муҳим ўрин тутди. Агар “Халқ оғзаки ижоди” ёки “Янги ўзбек адабиёти” бўлими юзасидан мавзувий портфолио яратишни топширилса, ҳар бир ўқувчи ўз портфолиосини ҳимоя қилади ёки ҳар бир кичик гуруҳ битта портфолио яратиб, тақдимчи уни тақдим этади.

КХК адабий таълимида “**аралаш ёки универсал портфолио**” кўпроқ қўлланилади. У коллеж ўқувчисининг бир фан юзасидан ярим ёки тўла ўқув йили мобайнида барча жиҳатлардан қанчалик фаолият кўрсатгани, қай йўл билан қандай натижаларга эришганини аниқлайди ва баҳолайди.

Портфолиоларни баҳолашда ўқувчи меҳнатининг моҳиятини акс эттирувчи “**юксак даража**”, “**юқори даража**”, “**ўрта даража**”, “**паст даража**” каби сўзлар билан баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Портфолиосига “паст даража” қўйилган ўқувчи одатдаги “иккичи” эмас. У баҳо билан жазоланмайди, руҳан яраланмайди, балки унга паст даражадан юқорига кўтарилиш имкони берилади.

КХК ўқувчилари адабий билимларини аниқлаш учун тестлардан ҳам фойдаланилади. Баҳонинг холислиги, ишончлилиги ва валидлиги (дастурга мослиги)ни таъминлай оладиган тестларнинг **ёпиқ, очик, мосликка асосланган, изчилликка асосланган** каби тўрт тури бор. Таълим амалиётида ечиш учун 2 дақиқадан кўп вақт кетадиган тестлардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Одатда ўқувчи бир тест топшириғини математика бўйича 65, тиллар бўйича 32, табиий ва ижтимоий фанлар бўйича 41, чизма ва схемаларни тушуниш бўйича 90, геометрик фигураларни аниқлаш бўйича

120 сония ичида бажариши керак¹. Адабиёт бўйича тўғри жавобларнинг варианты кўп бўлишини ҳисобга олиб, бир тестни ечишга 66-70 сония ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Диссертациянинг икки фаслдан иборат 3-боби **“Касб-ҳунар коллежлари адабий таълимида интерфаол усулларни қўллашнинг амалий муаммолари”** деб аталиб, адабиёт дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланиш амалиёти тадқиқ этилган. Анъанавий таълимда тўғри жавоб ёки ечимни топиш муҳим ҳисобланса, интерфаол усулларда жавобни излаш жараёни муҳим саналади. Бу бобнинг 1-фаслида КХК адабий таълими жараёнида қўлланиладиган айрим интерактив усуллардан фойдаланиш йўллари кўрсатилди. Таълим амалиётида кўп қўлланилиб, яхши самара бераётган интерактив метод **“фикрий ҳужум”**дир.

Инсон ҳамма юрган йўлдан юришга, кўпчилик қўллаган усулни қўллашга мойил. Одам ё танқид, ёхуд кимларнингдир масхаралаши, ёинки бошқаларга ўхшамай қолишдан чўчиб жудаям дадил, ҳеч кимникига ўхшамайдиган фикрларни ичига “ютиб” юборади. Ҳар битта одамда кутилмаган, бетакрор, оригинал фикрларни ташқарига чиқармай, ушлаб қоладиган ўзига хос “филтр” бўлади. Шу филтр олиб ташланса, ҳар қандай муаммонинг ечимлари миқдори кескин ортган бўларди. “Фикрий ҳужум”даги асосий жиҳат **фикрни тугилиш жараёнида танқид қилиш мумкин эмаслиги** талабидир.

Бу усулда 4-6 кишидан иборат гуруҳ олдида муаммо ташланади. Биринчи босқичда муаммони ечишга доир имкон қадар кўп ғоя тўпланиши керак. Шу ўринда усулнинг энг асосий қондасига амал қилиниши, яъни фикр янглиш ва ночорлиги кўриниб турсада, танқид қилинмаслиги керак. Ўртага ғоя ташлаётган ҳар бир ўқувчи рағбатлантирилиб, яхши-ёмонлигидан қатъи назар улардан кўпроқ фикр олишга эришилиши зарур. Иккинчи босқичда муаммони ечишга бевосита хизмат қиладиган фикрлар танлаб олинади. “Фикрий ҳужум”даги асосий жиҳат ўзига хос, бетакрор ва муаммони ечишга яроқли фикр олиш учун ўқувчилар тасаввури, онг ва онгости қувватларини ишга солиб, улардаги яширин имкониятларни очишдан иборат.

Ч.Айтматовнинг “Жамила” қиссасини “фикрий ҳужум” усулида ўтиш учун Қарши маданият коллежининг 39-гуруҳидаги 26 ўқувчи тўртта кичик гуруҳга бўлинди ва гуруҳдаги ўқувчилар олдида алоҳида ўқув муаммолари қўйилди. Муаммо юзасидан фикр тўплаш жараёнида кичик гуруҳнинг барча аъзолари фаол қатнашишди. Кичик гуруҳ етакчи (тақдимчи)си ҳам, котиблар ҳам, изкувар ҳам, тадқиқотчи ҳам, алоқачи ҳам, ажратувчи ҳам, безакчи ҳам муаммо юзасидан фикр билдирдилар. Шундай қилинмаганда, ўқувчиларнинг бир қисми томонидан янги мавзу ўзлаштирилмай қолган бўларди. Қўйилган муаммо юзасидан 1- КГ аъзолари 21, 2- КГ аъзолари 16, 3- КГ аъзолари 22, 4- КГ аъзолари 19 ғояни ўртага ташлади. Олинган фикрлар муайян тарзда гуруҳлаштирилиб, сараланиб, муаммонинг ҳал этилишига ишлатилганидан сўнг ҳар бир кичик гуруҳ етакчиси жавобни ўқитувчи эътиборига тақдим этди. Бошқа кичик гуруҳ аъзолари ҳам бу жавобга ўрни билан муносабат

¹ Гин А. Приемы педагогической техники. –Москва: «Вита», 2000. С. 65; Сафин Д., Мусина Р. Оценивание знаний учащихся в интерактивной среде. –Т.: 2007. Модуль 5. С. 51.

билдиришди. Шу тарика, ўқувчилар янги мавзуни бошдан оёқ ўзлаштирдилар.

КХК ўқувчиларида тадқиқотчилик қобилиятини шакллантиришда самарали интерфаол усуллардан бири “**гулдаста**”дир. Бу усулнинг шундай аталишига сабаб гулдаста алоҳида гуллардан ташкил топгани каби унда ҳар бир кичик гуруҳ умумий муаммонинг бир жиҳатини ҳал этиш билан шуғулланади. “Гулдаста” усулида ўқитувчи дарстахтага умумий муаммо ва уни ечишда фойдаланиладиган калит сўзларни ёзиб қўяди. Ў. Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссасини “гулдаста” усули асосида ўрганишда олдин Қарши саноат коллежининг 35-гуруҳи ўқувчилари олдида “Алимардоннинг маънавий таназзули сабаблари нимада?” шаклида умумий муаммо қўйиб, “дўстлик”, “ҳиёнат”, “худбинлик”, “манфаатпарастлик”, “бузуклик”, “талант”, “эзгулик”, “жазо”, “мукофот”, “адолат”, “соддалик”, “тўғрилиқ”, “истеъдод”, “манманлик” каби калит сўзлар берилди. Иккинчи босқичда уч кичик гуруҳга бўлинган ўқувчилар олдида “Алимардон ҳалокатининг ижтимоий сабаблари”, “Алимардон маънавий таназзулининг касбий омиллари”, “Алимардон табиатидаги уни ҳалокатга етаклаган жиҳатлар” каби уч муаммо қўйилди. Учинчи босқичда ҳар бир кичик гуруҳ асар матнига таяниб, ўз олдида турган муаммо юзасидан имкон қадар кўп калит сўзлар, кўчирмалар, фикрлар топади. Тўртинчи босқичда топилган калит сўзлар, кўчирмалар, муаммо ечимига доир фикрлар ўртасидаги боғлиқлик белгиланилди. Ҳар бир КГ ўз муаммоси бўйича изланишларни тугаллагач, топилган ечимларни ўқитувчи ва бошқа гуруҳдагиларга тақдим этдилар.

Шу мавзуни “**галерея**” усулида ўрганса ҳам бўлади. “Галерея” усулидан фойдаланганда кичик гуруҳ аъзолари ҳар бир муаммо бўйича ўзлари топган ечим юзасидан бошқа кичик гуруҳдагилар билан фикрлашишлари мумкин. “Баҳор қайтмайди” қиссаси юзасидан уч кичик гуруҳ ўз олдиларига қўйилган муаммо бўйича тайёрлаган жавоблари билан ёнидаги кичик гуруҳ аъзоларини таништирадилар ва, ўз навбатида, уларнинг ўз муаммолари бўйича бермоқчи бўлган жавоблари билан ҳам танишадилар. Шу аснода ҳар бир КГ қўшнисининг муаммосидан хабардор бўлади ва улар таклиф қилаётган ечим маъқул келмаса, ўз фикрини ёзиб қўяди. Шу тарика, ўқув гуруҳидаги барча ўқувчилар бир-бирларининг муаммолари билан танишади ва уни ечиш юзасидан таклиф беради.

КХК адабий таълимида самарали қўлланиладиган интерфаол усуллардан бири “**айлана**”дир. Ушбу усулда қўйилган муаммога ҳар бир ўқувчи алоҳида жавоб бериши кўзда тутилади. Бу усул адабий тимсолларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш, уларга муносабат билдириш, ўз нуқтаи назарини англатиш талаб этиладиган мавзуларни ўрганишда қўл келади.

КХК “Она тили ва адабиёт” дарслигида¹ Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” ҳикояси берилган. Ушбу асарни ўрганишда гуруҳдаги ўқувчилар олти кишилик кичик гуруҳларга бўлинди, ҳар бир кичик гуруҳ олдида биттадан муаммо қўйилиб, ечиш учун кетадиган вақт белгиланди. 1- кичик гуруҳ олдида “Ҳикоя қахрамони билан шериги Биллнинг хатти-

¹ Rafiyev A., G'ulomova N. Ona tili va adabiyot. –Т.: “Sharq” NMAK, 2006.

ҳаракатларини изохланг” топшириғи ёзилган битта қоғоз ва ручка берилди. 1-ўқувчи фамилияси ва ўз жавобини ёзди. Сўнг қоғозни ўнг томонида ўтирган гуруҳдошига узатди. 2-ўқувчи ўз фамилияси ва жавобини ёзди. У ҳам қоғозни ўнг томонидаги шеригига узатди. Шу тариқа, қоғоз айланаверади, муаммога берилган жавоблар сони кўпаяверди. Кичик гуруҳнинг айрим аъзолари бир неча қайтадан жавоб ёзишга улгуришди. Бошқа кичик гуруҳдагилар ҳам шу аснода ишладилар.

Касб-ҳунар коллежлари адабий таълимида “**чувалчанг**” усули ҳам кўп қўлланилади. Интерфаол методнинг бундай номланиши сабаби шундаки, унда турли кичик гуруҳдаги ўқувчилар вақти-вақти билан ўрин алмашиб, бир-бирларининг гуруҳларига ўтиб муаммони ечиш хусусида келишиб оладилар. “Чувалчанг” усулида ишлаганда, кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси рақамланади. КГлар олдида вазифа қўйилгач, бир хил рақамдаги ўқувчилардан маслаҳат гуруҳлари ташкил этилади. Масалан, 1-рақамлилар алоҳида, 2-рақамлилар бўлакча, 3-рақамлилар ўзларича ва ҳақозо тарзида вақтинчалик маслаҳат гуруҳларига бирлашадилар. Улар ўқув муаммосини тўғри ечиш ва қизиқарли тақдим этиш йўллариини излашади. Маслаҳатчилар ўзаро фикрлашиб олишгач, ўз гуруҳларига қайтадилар.

Қарши иқтисодиёт коллежида ҳазрат Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асари “чувалчанг” усулида ўрганилиб, дастурда мўлжалланган ва дарсликда берилганидан икки барабар кўп материалнинг ўзлаштирилишига эришилди. “Чувалчанг” усулида ўрганилиши лозим бўлган материал ўқитувчи томонидан қисмларга ажратилади. Бухорий ҳадислари мазмун йўналишига қараб, “Ота-она ҳақини адо этиш тўғрисидаги ҳадислар”, “Кишиларнинг ўзаро муносабатларига доир ҳадислар”, “Кўнгил ҳолатлари ҳақидаги ҳадислар”, “Эзгу инсоний хулқ тўғрисидаги ҳадислар” каби тўрт туркумга бўлинди. Кичик гуруҳлар материал билан танишишгач, 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7-рақамли ўқувчилари маслаҳат гуруҳлари сифатида етти жойга тўпланиб, масалани қандай ҳал этиш ва қай тартибда тақдим қилиш юзасидан ўзаро келишиб олишди, сўнг маслаҳатчилар ўз кичик гуруҳларига қайтишди.

3-бобнинг “**Ўтказилган тажриба-синов ишлари мазмуни ва олинган натижалар таҳлили**” деб номланган 2-фаслида диссертацияда илгари сурилган ғоялар асосида ўтказилган синов ишларининг мазмуни баён этилиб, олинган натижалар таҳлил қилинган. Синовга тортилган 136 ўқувчи ўзлаштириш, мустақил фикрлаш, кичик гуруҳларда ишлай олиш, ўз-ўзини баҳолаш каби кўрсаткичлар асосида тажриба ишларининг боши ва охирида қандай натижаларга эришганини солиштириш интерфаол усулларнинг самарадорлигини кўрсатди. Тажриба ишларининг бошида коллеж ўқувчилари кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш моҳиятидан беҳабар бўлса, охиридаги кўрсаткичлар уларда кичик гуруҳларда ишлашга иштиёқ ва зарур кўникма шаклланганлигини намоён қилади. Агар тажриба бошида 9 ўқувчи бошқалар томонидан доим фикри қўлланишини айтган бўлса, синов охирига келиб, бундай ўқувчилар сони 24тага етди. Тажриба бошида 78 ўқувчи доим ўзгаларнинг фикрини қўллашини билдирган бўлса, синов адоғида улар сони 107 нафарни ташкил этган. Синовнинг бошида доим танқидга чидайман

деган ўқувчилар сони 48 нафар бўлса, тажриба якунида бундай хусусиятга эга ўқувчилар сони 68та бўлди.

Синов ишларининг бошида кичик гуруҳда ишлаш тартибини билмаган ўспиринларнинг синов сўнгида кичик жамоага бирлаша оладиган, агар тўғри бўлса, ўзиникига зид фикрни ҳам қабул қила оладиган, танқидга чидайдиган, ўзгаларни тинглай оладиган, гуруҳдошига ён берадиган, бировлар билан муроса қиладиган шахсларга айланишган ва бу уларнинг ўзлаштиришини кўтарибгина қолмай, шахс сифатида шаклланишига ҳам ижобий таъсир қилган. Синов бошида ҳеч қачон етакчи бўлмаган ўқувчилар сони 64 нафар бўлса, тажриба сўнгида улар 3 кишига тушди.

Синов ишларида ўқувчиларнинг бадиий асарга онгли ёндашишларини аниқлашга ҳам эътибор берилди. Тажрибанинг бошида адабий матнни шунчаки ўқишга мойил бўлган ўқувчилар кўпчиликни ташкил этган бўлса, синов охирида ўқувчилар адабий асарга ижодий ёндашадиган, ундаги муҳим жиҳатларни номуҳимидан ажратадиган бўлишди.

Тадқиқот ғояларини қўллаш синовда қатнашган ўқувчиларда мустақил фикрлаш динамикаси сезиларли ўсишига сабаб бўлди. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш даражаси уларнинг оғзаки жавоблари, ёзма ишлари, портфолиоларидаги материаллар асосида аниқланган. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашида юз берган динамика янгича ёндашувларни қабул қилиш, муаммоларнинг оригинал ечимини излаш, фикрлаётганда далилларга таяниш, асосли далиллар келтирилса, ўз қарашларини ўзгартира олиш, тўхтамга келишда адолатли бўлиш, муаммонинг барча қирраларини кўриш каби олти интеллектуал параметр бўйича аниқланган. Натижалар “яхши”, “ўрта”, “ёмон” тарзида баҳоланиб, тажриба бошида олти параметр бўйича “яхши” кўрсаткич 112 бирликка тенг бўлса, синов сўнгида 243 бирликка кўтарилди, “ёмон” кўрсаткич эса, 446 бирликдан 157тага тушди.

Одатда фақат ўзини билиб, ўз олдидаги муаммони ечиш ташвишида бўладиган ўқувчи интерфаол усулда бошқалар билан биргаликда ишлай билсагина, яхши натижага эришади. Тажриба давомида ҳар бир ўқувчининг кичик гуруҳда самарали ишлаши учун керакли бўлган а) олдида қўйилган мақсад-вазифаларни ёддан чиқармаслик; б) бошқалар билан шериклик қила олиш; в) ўзгаларга ҳалақит бермай ишлай билиш; г) гуруҳ аъзоларига хушмуомалада бўлиш; д) гуруҳнинг ишини яхшилаш йўллари излаш; е) зиммасидаги вазифани ҳалол бажариш каби сифатларнинг ўсиш динамикаси текширилди. Ўқувчининг КГ олдидаги мақсад-вазифаларни унутмаслик бўйича тажрибанинг бошида 17 нафари яхши, 49 нафари ўртача кўрсаткичга эга бўлинса, охирида бу кўрсаткичлар 35 ва 78 бирликни ташкил этди. Иккинчи ўлчам бўйича синов бошидаги 14 ва 43 кўрсаткичлари охирида 45 ва 75га тенг бўлди. Учинчи ўлчам бўйича 22 ва 54 бирликлари тажриба якунида 40 ва 81 кўрсаткичга ўсди. Бошқаларга хушмуомалада бўлиш синов бошидаги 19 ва 63 кўрсаткичлари тажриба охирида 41 ва 88 бирликка ўсди. Гуруҳ ишини яхшилаш йўллари излаш бўйича тажриба бошидаги 11 ва 59 кўрсаткичлари синов сўнгида 56 ва 69 бирликка етди. Вазифани ҳалол бажариш бўйича синов бошидаги “яхши” кўрсаткичига 45, “ўртача” кўрсаткичига 58 нафар ўқувчи эга бўлса, тажриба охирида бу кўрсаткич

мутаносиб равишда 74 ва 57 бирликка тенг бўлди.


Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва кичик гуруҳда ишлаш ҳолатини аниқлаш бўйича тажриба боши ва охиридаги ўзлаштириш Стъюдент мезони ва Нейман ғояларига асосланиб статистик таҳлил қилинди:

1-жадвал

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш динамикаси ва кичик гуруҳда ишлашга мослашиш ҳолатига оид тажриба натижалари

Мезонлар	Синов вақти	Ўқувчи сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Яхши	Ўрта	Ёмон
Мустақил фикрлаш динамикаси	Тажриба бошида	136	19	43	74
	Тажриба охирида	136	41	69	26
Кичик гуруҳда ишлашга ўрганиш динамикаси	Тажриба бошида	136	21	54	61
	Тажриба охирида	136	49	75	12

Бу қийматларга мос келадиган диаграмма чизилса:



1-расм. Ўқувчиларнинг а) мустақил фикрлаш ва б) кичик гуруҳда ишлашга ўрганишга оид тажриба-синов натижалари диаграммаси

Олинган натижалардан танланма дисперсия, ўртача квадрат четланиш ва вариация кўрсаткичлари топилади.

2-жадвал

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	S_x^2	S_y^2	V_x	V_y	Δ_m	Δ_k
2,11	1,60	0,4779	0,52	32,8	45,1	0,07	0,07
2,27	1,7	0,377	0,51	27,1	42	0,05	0,07
		1					

Тажриба боши ва охиридаги кўрсаткичлар учун Нейман ғояси асосида ишончли интерваллар топилди:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x^2}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x^2}{\sqrt{n}} \quad \bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y^2}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y^2}{\sqrt{n}}$$

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш динамикасига оид:

$$2,11 - 0,07 \leq \hat{a}_x \leq 2,11 + 0,07$$

$$1,60 - 0,07 \leq \hat{a}_y \leq 1,60 + 0,07$$

$$2,04 \leq \hat{a}_{\hat{\sigma}} \leq 2,18$$

$$1,53 \leq \hat{a}_{\hat{\sigma}} \leq 1,67$$

Ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ишлашга ўрганишига доир:

$$2,27 - 0,05 \leq \bar{a}_x \leq 2,27 + 0,05 \qquad 1,7 - 0,07 \leq \bar{a}_y \leq 1,7 + 0,07$$

$$2,22 \leq \bar{a}_{\delta} \leq 2,32 \qquad 1,63 \leq \bar{a}_{\delta} \leq 1,77$$

Ушбу қийматларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилганда қуйидаги натижалар келиб чиқади:

Мустақил фикрлаш динамикасига оид:

$$\hat{E}_{\acute{o}\acute{n}\acute{a}} = \frac{(\bar{O} - \Delta_{\delta})}{(\bar{Y} + \Delta_i)} = \frac{2,11 - 0,07}{1,60 + 0,07} = \frac{2,04}{1,67} = 1,22 > 1;$$

$$\hat{E}_{\acute{a}\acute{a}\acute{a}} = (\bar{O} - \Delta_{\delta}) - (\bar{Y} - \Delta_i) = (2,27 - 0,05) - (1,7 - 0,07) = 2,22 - 1,63 = 0,59 > 0;$$

Натижалар ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўрсатади. Демак, тажриба охиридаги ўзлаштириш даражаси тажриба бошидагидан юқори экан. Бундан ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва кичик гуруҳда ишлашга ўрганишга оид тажриба-синов ишларида юқори самарага эришилгани маълум бўлди.

ХУЛОСАЛАР

КХК адабий таълими самарадорлигини оширишда интерфаол усулларни қўллашнинг назарий ҳамда амалий муаммолари тадқиқ этилган адабиётлар билан танишиш олиб борилган илмий изланишлар асосида диссертацияда йигирма беш банддан иборат илмий хулоса чиқарилди. Автореферат ҳажми талабларидан келиб чиқиб, қуйида уларнинг айримлари келтирилади:

1. Интерфаол методлар ўқувчиларнинг ўқитувчи билангина эмас, балки бир-бирлари билан ҳам ҳамкорликда фаолият кўрсатишини кўзда тутди.

2. Ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлаб, янги билимларни мустақил ўзлаштиришга интилишлари интерфаол усулларнинг асосий белгиларидир. Топшириқларнинг алоҳида ўқувчига эмас, гуруҳнинг барча аъзоларига берилиши уларда жамоа туйғусини шакллантиради.

3. Ўқувчига ҳеч ким тайёр билим беролмайди, у эгаллайдиган билим даражаси унинг интилиш ва қобилият даражасига мутаносиб бўлади, деб қарайдиган конструктив педагогика интерфаол усулларнинг илмий-назарий асосидир. Бунга кўра, билим ўқувчининг ўз фаолияти натижасида конструкция қилинади. Конструктив педагогика ўқувчиларнинг таълимий ҳақиқатга интилиш жараёнини улар эришадиган таълимий ҳақиқатдан муҳим санайди.

4. Интерактив методлар а) ўқувчиларнинг тизимли тафаккур ва илмий тадқиқотчилик фаолияти; б) ўқув муаммосини қўя билиш; в) биргаликдаги таълимни йўлга қўйиш каби тамойилларга таянади.

5. Интерфаол усуллар қўлланганда, ўқувчиларнинг фикрини танқид қилиш мумкин эмас, фикрнинг миқдори сифатидан муҳим.

6. Интерфаол усулларни 4-6 кишилиқ кичик гуруҳларда қўллаш кўпроқ дидактик самара келтиради. Кичик гуруҳлар а) доимий; б) ўткинчи каби турларга бўлинади. Таркиби камида ярим ўқув йили давомида ўзгармайдиган кичик гуруҳлар доимий саналади ва самаралироқ бўлади.

7. Кичик гуруҳда тенглик муҳити, ижодий иқлим юзага келтириб, ҳар бир ўқувчининг ўзини бошқалардан ортиқ ҳам, кам ҳам сезмаслигига, барча аъзоларнинг ҳар сафар ўзгариб турадиган вазифа билан таъминланишига эришиш интерфаол таълим самарадорлиги омилидир.

8. Интерфаол таълим ўқувчининг камчилигини кўрсатиш, хатосини қайд этишга қаратилган, ноҳолис ва ноаниқ, нисбий ва тасодифий хусусиятга эга анъанавий баҳолаш усули ўрнига ўқувчи эришган охирги натижани эмас, унинг ўқув жараёнидаги иштирокини аниқлаш ва баҳолашни тақозо этади.

9. Интерфаол усулда баҳонинг миқдори билан сифати уйғунлашуви, ўқувчининг ўз фаолиятини ўзи баҳолаши муҳимлиги адабий таълим жараёнини баҳолашда ўқув портфолиоларини қўллашни талаб қилади.

Иш натижаларидан фойдаланиш бўйича қуйидагилар

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

1. Касб-ҳунар коллежларида адабиёт ўқитиш жараёнига интерфаол усулларни қўллаш юзасидан шу диссертацияда ишлаб чиқилган тавсиялар жорий этилиши лозим.

2. Касб-ҳунар коллежлари адабий таълимида самарадорликка эришиш учун ҳар хил йўналишлар учун ушбу диссертациядаги қарашлар асосида алоҳида ўқув дастури, дарслик ва қўлланмалар яратилиши керак.

3. Кичик гуруҳлардаги ўқувчилар сонининг 4 нафардан кам, 6 нафардан ортиқ бўлмаслигига қатъий амал қилиш, КГларнинг ҳар бир аъзоси ўқитувчи томонидан алоҳида вазифа билан таъминланиши шарт.

4. Интерфаол усулларда уюштирилган адабий таълимни баҳолашда портфолиолардан фойдаланиш самара келтиради.

5. Коллеж адабий таълимида ўқувчиларининг ўз-ўзларини баҳолашига қаратилган рефлексив портфолиолар уларнинг маънавий ва интеллектуал ўсишларида катта аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, шу турдаги портфолиоларни қўллаш кўпайтирилиши зарур.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ражабова И. Адабиёт дарсларини ўқитишда интерфаол усулларда ташкил этиш (методик қўлланма). –Т.: “Тамaddon”, 2010. 112 бет.

2. Ражабова И. Адабиёт дарсларини ўқитишда интерфаол усулларида фойдаланишнинг самарадорлиги. // “Илғор педагогик технологиялар ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастури иккинчи босқичининг амалга оширилиши” тўплами. Қарши ДУ, 2005. 240-242 бетлар.

3. Ражабова И. Адабиёт дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланиш. // “Касб таълими тараққиёт йўлида” тўплами. Қарши ДУ - 2005. 97-99-бетлар.

4. Ражабова И. Касб-ҳунар коллежларида адабиёт дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этишнинг аҳамияти. // “Касбий таълимни такомиллаштиришнинг назарияси ва амалиёти” тўплами. Қарши ДУ - 2007. 229-230-бетлар.

5. Ражабова И., Қ. Йўлдошев. Ўқитувчига методик ёрдам. // “Тулистон”. Тошкент - 2007. 4-сон. 40-42-бетлар.

6. Ражабова И., Г. Дўсжонова. Таълим самарадорлигини оширишда интерфаол методларнинг ўрни. // Тил ва адабиёт таълими. Тошкент - 2008. 1-сон. 7-15-бетлар.

7. Ражабова И. Ўқитиш жараёнида интерфаол усулларни қўллашнинг назарий асослари. // Касб-хунар таълими. Тошкент - 2009. 3-сон. 9-12-бетлар.
8. Ражабова И. Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодини “Болалар адабиёти” дарсларида интерфаол усуллар ёрдамида ўрганиш. \ “Қарши давлат университети профессор-ўқитувчиларининг “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили”га бағишланган илмий-амалий конференция материаллари. –Қарши: “Насаф” - 2009. 239-242-бетлар.
9. Ражабова И. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни гуруҳлаштириш ҳақида. // Тил ва адабиёт таълими. Тошкент - 2009. 9 - сон. 3-11-бетлар.
10. Раджабова И. Теоретические основы применения интерактивных методов в литературном образовании.// Вестник университета Российской академии образования. Москва - 2010. №5 (53). С. 71-74.
11. Ражабова И. Основы применения интерактивных методов.// Преподавания языка и литературы. Ташкент - 2011. №1. С. 3-11.
12. Ражабова И. Научно-теоретические основы интерактивных методов в литературном образовании.//Известия Киргизской академии образования. Бишкек- 2011. №1. С. 32-37.
13. Раджабова И. Теоретические основы применения интерактивных методов в литературном образовании.// В сборнике научных статей «Профессионализация в условиях современной системы инновационного образования». Балашиха (Москва): ООО «Де-По» - 2011. С. 255-260.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Инобат Равшановна РАЖАБОВАНИНГ 13.00.05 – Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (ўзбек адабиёти) ихтисослиги бўйича **“Касб-хунар коллежлари адабиёт дарслари самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланиш йўллари”** мавзусидаги диссертация иши

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: касб-хунар коллежи, интерфаол усул, трансмиссия, трансформация, трансакция, конструктив педагогика, билимнинг конструкция қилиниши, кичик гуруҳ, мустақил фикр, ўқув муаммоси, муаммоли вазият, биргаликдаги таълим, рефлексия, портфолио, карточка, картотека.

Тадқиқот объекти: Касб-хунар коллежларида адабиёт ўқув фанини интерфаол усуллардан фойдаланиб ўқитиш жараёни.

Ишнинг мақсади: Касб-хунар коллежлари адабий таълими самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва амалий тавсиялар тизимини яратиш.

Тадқиқот методлари: Ишда назарий адабиётларни ўрганиш, кузатиш, солиштириш, анкета, сўров, ўқувчилар ижодини ўрганиш, педагогик тажриба, таҳлил, синов натижаларини умумлаштириш ва қиёсий ўрганиш, математик-статистика каби илмий-тадқиқот методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: КХК адабий таълимида интерфаол усуллардан фойдаланишнинг илмий-педагогик асослари ишлаб чиқилиб, ўқитиш амалиётига татбиқ этиш йўллари кўрсатилди. Ўқувчиларнинг тўғри жавобни топиши эмас, балки шу йўлдаги изланишлари муҳимлигига таянган конструктив педагогика интерфаол усулларнинг илмий-назарий асоси экани кўрсатилди. Интерфаол усуллар ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлашини тақозо этиши асосланди. Интерфаол усулларда ўқувчилар фаолиятини баҳолашда ўқув портфолиолари қўл келиши, унинг турлари тадқиқ этилди. Коллеж адабий таълимида интерфаол усулларни қўллаш юзасидан оригинал методик ишланмалар берилди.

Амалий аҳамияти: Интерфаол усулларни қўллаш конкрет мавзулар мисолида кўрсатилганлиги ишнинг амалий қимматини таъминлайди. Методик ишланмалар коллеж адабиёт ўқитувчилари фаолияти самарадорлигини оширишга, берилган тавсиялар КХК ўқувчилари мустақил фикрлаш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Татбиқ этилиш даражаси ва иқтисодий самараси: Диссертациянинг асосий ғоялари Қарши шаҳридаги педагогика, маданият, иқтисодиёт, қурилиш ва саноат коллежларида синовдан ўтказилиб, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва маънавий шаклланиши бўйича ижобий натижалар олинди.

Қўлланиш соҳаси: Диссертация интерфаол усулларни қўллаш бўйича амалга ошириладиган кейинги илмий изланишларга назарий асос бўлиши мумкин. Ишнинг етакчи ғоялари университет ва пединститутларда махсус курс сифатида ўтилиши, ишланмалардан КХК ўқитиш амалиётида фойдаланилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Ражабовой Инобат Равшановны на тему: **“Интерактивные методы как средства повышения эффективности литературного обучения в профессиональных колледжах”** на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.05–Методика обучения общественно-гуманитарным наукам (узбекская литература)

Ключевые слова: профессиональный колледж, интерактивные методы, трансмиссия, трансформация, транзакция, конструктивная педагогика, конструкция знания, малая группа, самостоятельное мышление, учебная проблема, проблемная ситуация, совместное обучение, рефлексия, портфолио, карточка, картотека.

Объект исследования: процесс литературного обучения в профессиональных колледжах с применением интерактивных методов.

Цель исследования: определить теоретические основы интерактивных методов для повышения эффективности литературного обучения в профколледжах и разработать систему рекомендаций по их применению.

Методы исследования: изучение теоретических литератур, наблюдение, анкета, опрос, беседа, изучение творчества учащихся, педагогический эксперимент, синтез, обобщение и сопоставительное изучение результатов эксперимента, математико-статистический анализ.

Полученные результаты и их новизна. Определены научно-педагогические основы интерактивных методов и конкретные пути их применения в литературном обучении в профессиональных колледжах. В работе установлено, что конструктивная педагогика, которая ценит процесс движения к истине больше чем саму истину является теоретической основой интерактивных методов. Установлены, что интерактивные методы предполагают обязательность взаимообучения учащихся в составе малых групп. Для объективной оценки деятельности учащихся в условиях интерактивного обучения, подключаются такие прогрессивные методы оценивания, как учебные портфолио, педагогические тесты.

Практическое значение исследования состоит в том, что пути применения интерактивных методов показаны на основе конкретных тем учебника. Методические разработки, данные в исследование, способствуют повышению эффективности литературного образования и росту самостоятельного мышления учащихся.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Основные положения диссертации отражены в статьях и методразработках, которые были применены педагогическом, промышленном, экономическом, строительном и культурном колледжах г. Карши. Результаты эксперимента показали рост как уровня знаний, так и личностных качеств у учащихся.

Область применения: Результаты работы могут стать теоретической основой в научных исследованиях по интерактивному обучению. Также, основные идеи работы можно использовать при чтении спецкурсов в университетах, пединститутах и институтах повышения квалификации.

RESUME

Thesis of Rajabova Inobat Ravshanovna on the scientific degree competition of the doctor of (philosophy) in pedagogic on speciality 13.00.05 – Methods of teaching the Humanitiks (Uzbek literature), subject: "**Interactive methods as a means to improve the effectiveness of literary education in vocational colleges**"

Key words: vocational college, interactive methods, transmission, transformation, transaction, constructive pedagogy, knowledge construction, small group, independent thinking, learning problem, a problem situation, cooperative learning, reflection, portfolio, card.

Subject of the research: the process of literary education in vocational colleges using interactive methods.

Purpose of the work: to determine the theoretical foundations of interactive methods to improve the effectiveness of literary education in vocational colleges and develop a system of recommendations for their application.

Methods of research: the study of theoretical literature, observation, comparison, questionnaire, survey, interview, the study of creativity of students, educational experiment, synthesis, synthesis and comparative study of the experimental results, mathematical and statistical analysis.

The achieved results and their novelty: The scientific-pedagogical foundations of interactive methods and specific ways of applying them in a literary education in professional colleges were defined. We found that the constructive pedagogy that values the process of moving to the truth more than the actual truth is the theoretical basis of interactive methods. Established that interactive methods involve mutual bound students in the small groups. For an objective evaluation of the students in interactive learning, connecting such progressive methods of estimation, such as learning portfolio, pedagogical tests.

The practical value is that the way of the application of interactive methods are shown on the basis of specific topics of the textbook. Methodological guides, data of our research, enhance the effectiveness of literary education and the growth of independent thinking of students.

Degree of embed and economic efficiency: The main provisions of the thesis are covered in articles and pedagogical guides, which were applied in colleges of pedagogy, industry, economy, architecture and culture of Karshi city. The experimental results showed increase in both knowledge and personal qualities of the students.

Field of application: The results can be a theoretical basis for research on interactive learning. Also, the basic ideas of work can be used when reading the special courses at universities, pedagogical institutes and institutes of excellence.